



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



WWW.XS.UZ



E-mail: Info@xs.uz



2026 йил 1 август, № 156 (9327)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА ОЗАРБАЙЖОН ТАРАҚҚИЁТНИНГ УМУМИЙ МАҚСАДЛАРИ ЙЎЛИДА БИРЛАШМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 31 июль куни Қирғиз Республикасининг Чўлпонота шахрида бўлиб ўтган Марказий Осиё ва Озарбайжон давлат раҳбарларининг норасмий маслаҳат учрашувида иштирок этди.



Тадбирда Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов ҳам қатнашдилар.

Давлат раҳбарлари Марказий Осиё ва Озарбайжон мамлакатлари ва халқларининг барқарор ривожланиши, иқтисодий тараққиёти, хавфсизлигини таъминлаш ҳамда фаровонлигини юксалтиришга доир дол-

зарб масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Ўзбекистон етакчиси сўзининг авалида норасмий саммитни ўтказиш ташаббуси ва Иссиқкўл соҳилидаги илиқ қабул учун Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаровга самимий миннатдорлик билдирди.

Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедовга ҳам Маслаҳат учрашувлари форматида самарали раислик қилаётгани учун ташаккур изҳор этилди.

Минтақа мамлакатлари мустақиллигининг 35 йиллик байрамларини

нишонлаш арафасида ҳар бирининг давлатчиликини барпо этиш, иқтисодий ўсиш ва миллий тикланиш борасида эришган муваффақиятларига юксак баҳо берилди.

— Илгари тарқоқ бўлган Марказий Осиё бугунги кунда биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз натижасида тараққиётнинг умумий мақсадлари йўлида бирлашмоқда, — деди Президентимиз.

Мамлакатимиз етакчиси мураккаб ва олдиндан башорат қилиб бўлмайдиган халқаро воқеаликни таҳлил қилар экан, учрашув иштирокчилари-

ни қатъият билан ҳаракат қилиш ва ўзаро мувофиқлашувни янада қучайтиришга қақирди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Озарбайжоннинг Маслаҳат учрашувлари форматида қўшилиши ўзаро ҳамкорликни сифат жиҳатдан янги — макроминтақавий даражага олиб чиқмоқда.

— Биз учун Марказий Осиё, Жанубий Кавказ ва яқин қўшнимиз — Афғонистонни бирлаштирувчи ягона тараққиёт маконини шакллантириш борасида тарихий имконият очилмоқда, — деди Ўзбекистон етакчиси.

Президентимиз Марказий Осиё давлатлари ва Озарбайжон ўртасида барқарор ривожланиш, ўзаро боғлиқлик ва яхши қўшничилик учун мустақам замин яратиш мақсадида минтақавий ҳамкорлиқнинг устувор йўналишлари бўйича нуқтаи назарини баён қилди.

Аввало, минтақавий ҳамкорлиқнинг барқарор архитектурасини шакллантиришга ўтиш муҳимлиги таъкидланди. Унинг тузилиши ҳамкорлиқнинг самарали институтлари, тармоқ идораларининг яқин муносабатлари, ҳудудларнинг тўғридан-тўғри алоқалари ҳамда ривожланишнинг асосий йўналишларидаги узоқ муддатли қўшма дастурларга таяниши зарур.

Минтақанинг халқаро субъект сифатидаги макomini мустаҳкамлаш учун давлатлараро ташкилотлар ва "Марказий Осиё плюс" форматлари доирасида ўзаро мувофиқлаштирувни қучайтириш лозимлиги қайд этилди.

Савдо-иқтисодий ва транспорт соҳасидаги ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш, узлуксиз санот-технологик занжирларни кенгайтириш, умумий рақамли хизматларни ривожлантириш ҳамда инвестиция плат-

формаларини ишга тушириш бўйича келгуси қадамларни пухта ишлаб чиқиш талаб этилади.

Марказий Осиёни кадрлар салоҳияти, сунъий интеллект технологиялари, дата-марказлар ва энергетика қувватларини бирлаштирган яхлит инфратузилмани яратиш орқали таълим, илм-фан ва инновациялар бўйича рақобатбардош хабга айлантириш масаласи истиқболли вазибалар қаторида кўрсатиб ўтилди.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳар доим минтақавий кун тартибининг устувор йўналиши бўлиб келгани ва шундай бўлиб қолиши алоҳида таъкидланди. Ягона табиий маконимизда юзага келаётган таҳдидлар чегара билмайди, шундай экан уларга жавоб чоралари ҳам умумий бўлиши керак.

— Жорий йилги ёзнинг аномал даражада иссиқ келиши иқлим ўзгариши аллақачон иқтисодиёт, сув ва энергетика хавфсизлиги, одамларнинг саломатлиги ва ҳаёт сифатида тўғридан-тўғри таъсир қиладиган омилга айланиб бораётганини яна бир бор кўрсатди. Ана шундай янги хавф-хатарларга биргаликда мослашиш бўйича узоқ муддатли ечимларни топиш муҳимдир, — деди давлатимиз раҳбари.

Ҳамкорлиқнинг ўзгармас устувор йўналишлари орасида гуманитар алоқаларга алоҳида эътибор қаратилди. Минтақа халқлари асрлар давомида ёнма-ён яшаган, савдо-сотиқни ривожлантирган, билим ва маданий анъаналарни ўзаро алмашган. Ҳамкорлик чуқурлашгани сари ҳамжиҳатлик туйғуси ҳам мустаҳкамланмоқда.

— Умумминтақавий ўзига хослик халқларимизнинг миллий ўзлиги сақланган ҳолда босқичма-босқич

шаклланмоқда. Ишончим комил, ушбу соҳадаги ишларнинг моҳияти сифат жиҳатдан ўзгариши халқларимиз ўртасидаги бирлик, ҳамжиҳатлик ва ўзаро тушуниш туйғусини мустаҳкамлайди, — деди мамлакатимиз етакчиси.

Ўзбекистон Президенти нутқининг якунида умумий кучимиз — бирлик, ўзаро ишонч ва биргаликдаги яратувчанликка қатъий интилишда эканини яна бир бор таъкидлади.

Тадбирда Марказий Осиё давлатлари ва Озарбайжон етакчилари ҳам сўзга чиқиб, минтақавий ҳамкорлиқнинг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари юзасидан ўз қарашларини баён қилдилар.

Саммит якунида Чўлпонота декларацияси қабул қилинди.

Норасмий Маслаҳат учрашуви доирасида Марказий Осиё ва Озарбайжон давлат раҳбарлари Иссиқкўл соҳилида янги беш юлдузли "Боку" меҳмонхонасининг тантанали очилиш маросимида иштирок этдилар.

Етакчилар замонавий меҳмонхона мажмуасида ташриф буюрувчилар дам олиши ва халқаро тадбирларни ўтказиш учун яратилган шароитлар билан танишдилар.

Меҳмонхона 17,2 гектар майдонда жойлашган бўлиб, умумий майдон қарийб 30 минг квадрат метр бўлган 120 дан ортққ хонали етти қаватли бинони, бассейн, аквапарк, спорт ва кўнғилчор инфратузилмани ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қирғиз Республикасига давлат ташрифи давом этмоқда.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА ОЗАРБАЙЖОН ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИНИНГ НОРАСМИЙ МАСЛАҲАТ УЧРАШУВИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли Садир Нурғожоевич!

Ҳурматли давлат раҳбарлари!

Қирғизистон Президенти ҳурматли Садир Нурғожоевич Жапаровга норасмий учрашувимизни ўтказиш ташаббуси ва "қирғиз денгизи" — гўзал Иссиқкўл соҳилидаги илиқ қабул учун самимий миннатдорлик билдираман.

Икки кун давомида Қирғизистонда бўлар эканман, Сизнинг раҳбарлигингизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар натижалари менда катта таассурот қолдирди. Мамлакат иқтисодий ривожланиш бўйича юқори суръатларни намойиш этмоқда, унинг халқаро нуфузи муттасил ошиб бормоқда.

Сизни ва қардош қирғиз халқини Қирғизистоннинг БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий бўлмаган аъзоси этиб сайлангани билан табриқлаймиз.

Туркменистон Президенти Сердар Гурбангулиев БМТ Хавфсизлик Кенгаши билан Маслаҳат учрашувлари форматида самарали раислик қилаётгани учун миннатдорлик билдираман.

Ҳурматли учрашув иштирокчилари!

Бугун биз давлатларимиз мустақиллигининг 35 йиллик байрамларини нишонлаш арафасида йиғилиб турибмиз. Шу йиллар мобайнида ҳар бир мамлакат давлатчилиқнинг шаклланиши, иқтисодий ўсиш ва миллий тикланишнинг буйича келгуси қадамларни пухта ишлаб чиқиш лозим.

Марказий Осиё таълим, илм-фан ва катта маълумотлар соҳасида инновациялар бўйича рақобатбардош хабга айланиши керак. Бунга кадрлар салоҳияти, сунъий интеллект технологиялари, дата-марказлар ва энергетика қувватларини бирлаштирган яхлит инфратузилмани яратиш орқали эришиш мумкин.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳар доим минтақавий кун тартибининг устувор йўналиши бўлиб келган ва шундай бўлиб қолди. Ягона табиий маконимизда юзага келаётган таҳдидлар давлат чегараларини тан

Биз учун Марказий Осиё, Жанубий Кавказ ва яқин қўшнимиз — Афғонистонни бирлаштирувчи ягона тараққиёт маконини шакллантириш борасида тарихий имконият очилмоқда. Ушбу вазиятдан тўлиқ фойдаланиб, биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз билан Евроосиёнинг қоқ юрагида барқарор ривожланиш, ўзаро боғлиқлик ва яхши қўшничилик учун мустақам пойдевор яратиши-миз зарур.

Ҳурматли ҳамкасблар!

Минтақавий ҳамкорлиқнинг барқарор архитектурасини шакллантиришга ўтиш вақти келди. Унинг тузилиши ҳамкорлиқнинг самарали институтлари, тармоқ идораларининг яқин муносабатлари, ҳудудларнинг тўғридан-тўғри алоқалари ҳамда ривожланишнинг асосий йўналишларидаги узоқ муддатли қўшма дастурларга таяниши зарур.

Минтақамизнинг халқаро субъект сифатидаги макomini мустаҳкамлаган ҳолда давлатлараро ташкилотлар ва "Марказий Осиё плюс" форматлари доирасида ўзаро мувофиқлаштирувни қучайтириш лозим.

Савдо-иқтисодий ва транспорт соҳасидаги ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш, узлуксиз санот-технологик занжирларни кенгайтириш, умумий рақамли хизматларни ривожлантириш ҳамда инвестиция платформаларини ишга тушириш бўйича келгуси қадамларни пухта ишлаб чиқиш лозим.

Ишончим комил, ушбу соҳадаги ишларнинг моҳияти сифат жиҳатдан ўзгариши халқларимиз ўртасидаги бирлик, ҳамжиҳатлик ва ўзаро тушуниш туйғусини мустаҳкамлайди.

Азиз дўстлар!

Ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлаш бўйича бугун айтиб ўтилган ташаббус ва тақлифларни тўлиқ қўлаб-қувватлайман.

Фурсатдан фойдаланиб, Қозоғистон Республикаси Президенти ҳурматли Қосим-Жомарт Кемелевич Тоқаев ва бутун қозоқ халқига янги Қурултойга сайловлар муваффақиятли ўтишини тилаб қоламан.

Сўзимнинг якунида бизнинг умумий кучими — бирлик, ўзаро ишонч ва биргаликдаги яратувчанликка қатъий садоқатимизда эканини яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман.

Барчангизга мустақам соғлиқ, тинчлик ва янги ютуқлар, мамлакатларимиз халқларига эса фаровонлик ва равақ тилайман.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИГА

Қадри дўстлар!

Аввало, сиз, азиялрларни — ўз касбининг ҳақиқий устаси бўлган ишчи ва хизматчилар, курувчи ва муҳандислар, машинистлар, вагон кузатувчилари ҳамда соҳа фахрийларини Темир йўл транспорти ходимлари куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Сизлар фидокорона меҳнатингиз билан Янги Ўзбекистоннинг иқтисодий қудратини ошириш, транспорт-коммуникация тизимини изчил ривожлантириш ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётганингизни ушбу қутлуғ айёмда яна бир бор эътирф этишим.

Сўнгги йилларда соҳада олиб бораётган кенг қўламли ислохотларимиз улкан натижалар бермоқда. Бу ўзгаришларни 2 минг 400 километрдан кўпроқ янги темир йўл тармоқлари қурилиб, фойдаланишга топширилгани, 3 минг километрдан ортққ йўллар электрлаштирилиб, 1 минг 100 километрдан зиёди реабилитация қилингани мисолида яққол кўриш мумкин.

Бу ҳақда сўз юритганда, йирик инвестиция лойиҳалари асосида Самарқанд — Ургут, Байтқўрғон — Паркент, Урганч халқаро аэропорти — Хива темир йўл тармоқлари барпо этилгани, Навоий — Бухоро участкасининг иккинчи электрлаштирилган линияси ишга туширилгани, бир қатор истиқболли йўналишларда эса қурилиш ишлари жадал давом эттирилаётганини қайд этиш лозим.

Шу билан бирга, Мароқанд — Навоий, Бухоро — Урганч — Хива, Мискин — Нукус, Қумқўрғон — Қудуқли каби муҳим йўналишларни электрлаштириш, темир йўл станцияларининг ўтказувчанлик имкониятларини кенгайтириш орқали миллий логистика тизими самарадорлиги оширилмоқда.

Айниқса, мамлакатимизни жаҳон транспорт йўлақлари билан янада ишончли боғлайдиган Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли барпо қилинаётгани, қўшни Афғонистон билан темир йўл инфратузилмасини

ривожлантириш бўйича ҳамкорлик изчил давом эттирилаётгани Ўзбекистоннинг минтақавий транспорт ва транзит маркази сифатидаги ўрни тобора мустаҳкамланаётганидан далолат беради.

Аҳолига кўрсатилаётган транспорт хизматларини янада тақомиллаштириш мақсадида Жанубий Кореянинг "Hyundai Rotem" компанияси томонидан махсус ишлаб чиқарилган, юқори тезликдаги янги "Жалолддин Манғуберди" электропоезднинг Тошкент — Хива — Тошкент йўналиши бўйича фойдаланишга топширилгани диққатга сазовордир.

Темир йўл вокзалларини замонавий қиёфага келтириш, уларнинг муҳандислик ва сервис инфратузилмасини тубдан янгилаш, тадбиркорлик учун янада кенг имкониятлар яратиш бўйича ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди.

Соҳада рақамли технологиялар ва сунъий интеллект имкониятларини кенг жорий этишга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.

Биз янада йилларда юзлаб замонавий йўловчи вагонларини, юқори технологик поездларни харид қилиш, темир йўл инфратузилмасини янада кенгайтириш ва хизматлар сифатини халқаро стандартлар даражасига кўтариш бўйича янги ва улкан режаларни амалга оширамиз.

Биз сизлар каби минглаб заҳматкаш темирйўлчилар билан, сизларнинг касбий маҳоратингиз, бой билим ва тажрибангиз, ватанпарварлик фазилатларингиз билан бундай юксак марраларга албатта эришамиз.

Сиз, азиялрларни касб байрамингиз билан яна бир бор қутлаб, мамлакатимиз темир йўл тизимини янада замонавий, инновацион ва халқаро миқёсда рақобатбардош тармоққа айлантиришдек шарафли йўлда барчангизга сичат-саломатлик, оилавий бахт-саодат, олийжаноб фаолиятингизда ютуқ ва омадлар тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Сайёр йиғилиш

ДАСТУРЛАР ИЖРОСИ – ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИДА

Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш дастурларида белгиланган вазифалар ижросини ўрганиш ишлари парламент назорати доирасида мунтазам олиб борилмоқда. Жойларда ўтказилаётган сайёр йиғилишларда эса натижалар атрофлича муҳокама қилиняпти.

Куни кеча Навоий вилоятида Олий Мажлис Сенати Кенгашининг навбатдаги сайёр мажлиси бўлиб ўтди. Уни Сенат Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Йиғилишда таъкидланганидек, вилоятда 2026 йилнинг биринчи ярмида ялпи худудий маҳсулот ҳажми 113,9 трлн. сўмни, ўсиш суръати 6,7 фоизни ташкил этган. Бунда саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 5,4 фоиз, курилиш ишлари — 28,3, бозор хизматлари — 18,9, қишлоқ хўжалиги 4,4 фоизга ўсган.

Ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар натижасида қарийб 1,5 мингта янги тадбиркорлик субъектлари иш бошлаб, 907,5 млн.

долларлик хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилган.

Кичик ва ўрта бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 3,2 трлн. сўмлик кредит маблағлари йўналтирилиб, шундан 945 млрд. сўм “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш”, “Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш”, “Бизнесга биринчи қадам”, “Маҳалла лойиҳаси” дастурлари доирасида ажратилган.

Ўтган давр мобайнида ижтимоий жиҳатдан оғир ҳудудларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, танлаб олинган Конимех ва Навбахор туманлари ҳамда 12 та “оғир” маҳаллада аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига қўлай шарт-шароитлар яратиш мақсадида 156 млрд. сўмлик 60 дан зиёд

лоийҳалар бўйича ишлар бошланган.

Вилоятда амалга оширилган ижобий ишлар билан бирга аниқланган камчиликлар ва ҳал этилиши лозим бўлган масалалар ҳам сенаторлар назаридан четда қолмади.

Жумладан, жорий йилнинг биринчи ярмида қурилиш ишлари ҳажмида 2025 йилнинг мос давридагига нисбатан ўсиш суръатлари Томди туманида таъминланмаган. Саноат ҳажмининг ўсиши Ғозгон шахрида мақсад қилинган 9,2 фоиз ўрнига атиги 2,4 фоизни ташкил этган, шунингдек, Конимех туманида ҳам ўсиш суръати режалаштирилганига нисбатан 1,5 фоиз кам бўлган.

Хатирчи туманида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмида ўсиш суръати атиги 1 фоизга етган бўлса, аҳоли жон бошига мазкур кўрсаткичда ўсиш бўлмаган. Ваҳоланки, ушбу соҳа туманининг асосий драйверларидан бири ҳисобланади.

Экспорт прогнози кўрсаткичлари 6 та ҳудудда бажарилмаган. Энг

паст натижа Томди ва Учқудуқ туманларида қайд этилган.

Айрим ҳудудларда кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлиги пастлигича қолмоқда. Хусусан, Кармана, Конимех, Томди, Хатирчи туманлари ҳамда Ғозгон шахрида ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналарида ишга туширилган лойиҳалар мавжуд эмас.

Навоий, Зарафшон шахарлари ҳамда Конимех, Хатирчи, Нурота туманларида солиқ тўловчиларнинг бюджет олдидаги мuddати ўтган қарздорлиги ошган.

Мажлисида аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари ҳам танқидий муҳокама қилинди. Таҳлиллар кўрсатганидек, жорий йилнинг январь — июнь ойларида 15 минг киши доимий иш ўринлари билан таъминланган, норасмий соҳада банд бўлган 20 минг кишининг меҳнат фаолияти легаллаштирилган.

Шу билан бирга, айрим туманларда инвестиция, хизмат кўрсатиш ва сервис лойиҳалари-

ни амалга ошириш ҳамда курилиш соҳасида аҳолини доимий иш ўринларига жойлаштириш бўйича режалар тўлиқ бажарилмаган.

Сенаторлар инвестиция лойиҳалари бўйича ижрони жадаллаштириш, саноат зоналари самарадорлигини ошириш, экспорт ҳажмини кўпайтириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш механизмларини кучайтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда камбағалликни қисқартириш ишларини янги босқичга олиб чиқиш юзасидан қўлай ва тавсиялар билдирди.

Халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) Кенгашлари аҳолини даромадди иш билан таъминлаш, камбағалликни қисқартириш ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг ижроси бўйича мутасадди раҳбарларнинг ҳисоботларини Кенгаш сессияларида мунтазам эшитиб бориши зарурлиги таъкидланди.

Муҳокама якунида Сенат Кенгашининг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Сенат қўмитасида



ИЧИМЛИК СУВИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ – УСТУВОР МАСАЛА

Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси мажлисида “Давлат ветеринария назорати тақомиллаштирилиши муносабати билан “Ветеринария тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш ҳақида”ги қонун дастлабки тарзда муҳокама қилинди.

Мазкур қонун давлат ветеринария назорати тизимини янада тақомиллаштириш, миллий қонунчиликни Жаҳон савдо ташкилотининг Санитария ва фитосанитария чоралари тўғрисидаги битими ҳамда Жаҳон хайвонлар соғлиғи ташкилотининг халқаро кодекслари талабларига уйғунлаштиришга қаратилган. Бундан ташқари, ушбу қонунда хайвонларнинг оқумли касалликлари бўйича ҳудудлар ва кичик ҳудудларни (компартментларни) ажратиш, уларнинг хавфсизлик тоифаларини белгилаш, ветеринария-санитария чораларини хавф таҳлили асосида қўллаш ҳамда давлат ветеринария хизмати назоратидаги товарларни зарур ҳолларда лаборатория текширувидан ўтказишга оид нормалар ҳам назарда тутилмоқда.



Шунингдек, қўмита мажлисида навбатдаги масала муҳокамасида “Ўзувтаъминот” акциядорлик жамияти томонидан аҳолини марказлашган ичимлик суви билан таъминлаш қамровини кенгайтириш, сув таъминоти ва канализация объектларини куриш ҳамда реконструкция қилиш, мавжуд инфратузилмани модернизациялаш бўйича қатор йирик лойиҳалар амалга оширилгани эътироф этилди.

Бунинг натижасида аҳолининг марказлашган ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси республика бўйича 83 фоизга етказилган. Бугунги кунда 8,3 млн. кишига марказлашган оқова сув хизматлари кўрсатилмоқда.

Аҳолини ичимлик ва оқова сув хизматлари билан таъминлаш мақсадида давлат дастурлари доирасида 1 117 км. ичимлик суви, 190 км. оқова сув тармоқлари, 23 та ичимлик ва 9 та оқова сув иншооти курилиб, реконструкция қилинган. Натижада 446 минг кишининг ичимлик суви билан таъминланиши яхшиланиб, 78 минг кишига кўрсатилаётган оқова сув хизматлари сифати ошган.

Сенаторлар ичимлик ва оқова сув тизимида сакланиб қолаётган муаммоларга ҳам алоҳида эътибор қаратди.

Жумладан, айрим ҳудудларда ичимлик сувини белгиланган жадвал асосида етказиб беришда узалишлар кузатилаётгани, сув босими ва сифати билан боғлиқ муаммолар, канализация тармоқларининг эскиргани, шунингдек, курилиш ишлари ҳамда инвестиция лойиҳаларининг кечикаётгани қайд этилди.

Мажлис якунида қўмитанинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Шундан сўнг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига мазкур соҳа фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича белгиланган вазифалар ижроси устидан таъсирчан депутатлик назоратини амалга ошириш масалаларига бағишланган семинар ҳам ўтказилди.

Унда маҳаллий Кенгашлар депутатларининг мазкур йўналишдаги назорат ваколатларини амалга ошириш, ҳудудлардаги лойиҳалар ижросини тизимли мониторинг қилиш, мутасадди ташкилотлар ҳисоботларини эшитиш ҳамда аниқланган муаммоларни бартараф этиш юзасидан тақлифлар берилди.

«Халқ сўзи».

Сенатор сўрови

Қўлай ва тўсиқсиз муҳит яратилиши зарур

Мамлакатимизда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, улар учун қўлай ва тўсиқсиз муҳит яратиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, айрим ҳудудларда жамоат транспорти ва транспорт инфратузилмасини ногиронлиги бўлган шахслар эҳтиёжларига мослаштириш билан боғлиқ камчиликлар ҳамон сакланиб қолаётгани сир эмас.

Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси Малика Қодирхонова Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳузуридаги Ижтимоий инспекция бошлиғи Хусниддин Қўтбиддинов номига айнан шу масалада сенатор сўрови юборди.

Унда таъкидланганидек, Тошкент вилоятидаги “Dugonalar” ногирон аёллар жамияти мурожаати асосида ўтказилган ўрганишлар давомида Тошкент шахрининг Жанубий вокзалидан Янгийўл туманидаги Ниёзбош маҳалласига қатновчи 194-сонли йўналишдаги автобусларда ногиронлиги бўлган шахслар учун махсус ўринлар, ахборот таблолар ва овозли эълон тизимлари назарда тутилмагани аниқланган.

Шунингдек, мазкур йўналишдаги автобус бекатларида пандуслар, туткичлар, Брайль алифбосидаги маълумотлар, овозли ахборот воситалари ҳамда тактил қопламалар каби инфратузилма элементлари етарли даражада мавжуд эмас. Бу эса ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат транспортидан тўлиқ ва хавфсиз фойдаланиш имкониятларини чекламоқда.

Шу муносабат билан сенатор сўровида аниқланган ҳолатлар юзасидан давлат назорати қай даражада амалга оширилгани, қонунчилик талаблари ижросини таъминлаш бўйича кўрилган чоралар юзасидан асосланган ҳаво ботқим этиш ва масъул ташкилотлар фаолиятига ҳуқуқий баҳо бериш сўралган.

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси аъзоси Абдурахўм Эрқаев бошчилигидаги ишчи гуруҳ Қашқадарё вилоятида “Долзарб 40 кунлик” тадбирлари доирасида Қарши туманида амалга оширилаётган ишлар ҳамда Қўйи Бешкент маҳалласида “Маҳалла еттилиги” фаолияти билан танишди.

Жараёнда давлат мустақиллигининг 35 йиллигига тайёргарлик, маҳаллаларни ободонлаштириш, ижтимоий масалалар ва жамоат тартибини таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар муҳокама марказида бўлди. Шунингдек, “маҳалла еттилиги” фаолияти самарадорлигини янада ошириш ҳамда аҳоли мурожаатларини манзилли ҳал этиш бўйича тегишли вазифалар белгилаб олинди.

Сенатор Қозоқли маҳалласида сайловчилар билан учрашув ўтказди. Мулоқот давомида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти юзасидан фикр алмашилиб, фуқароларнинг мурожаат ва тақлифлари эшитилди.

«Халқ сўзи».

Учрашув

ВАТАНДОШЛАРНИ ЖИПСЛАШТИРГАН ЛОЙИҲА

Мамлакатимизда хорижда истиқомат қилаётган ёш ватандошларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг Ватанимиз билан маънавий ва маданий алоқаларини мустаҳкамлаш борасида самарали ишлар амалга ошириляётир. Ёшлар билан турли учрашувлар ўтказилиб, уларнинг орзу-истакларига қўлоқ тутилимоқда.

Куни кеча Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси аъзоси Жамила Бобоназарова “Аног” лойиҳаси доирасида ёзги оромгоҳ иштирокчилари билан учрашув ўтказди.

Мулоқотда ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий билимларини ошириш, етакчилик салоҳиятини ривожлантириш, шунингдек, уларнинг мамлакат тараққиётидаги ўрни хусусида фикр алмашилди.

Таъкидланганидек, “Аног” лойиҳаси ёш ватандошларни тарихий Ватан билан янада яқинлаштириш, миллий қадриятларимизга ҳурмат ва дахлдорлик туйғусини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Учрашув якунида иштирокчилар ўзларини қизиктирган саволларига жавоб олди ва Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда яратилаётган имкониятлар бўйича фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Ўзбекистон ва Қирғизистон:

СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКДАН ЧИНАКАМ ИТТИФОҚЧИЛИК САРИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Қирғиз Республикасига амалга оширган давлат таширфи икки томонлама муносабатларнинг янги босқичга кўтарилгани, халқларимиз ўртасидаги азалий дўстлик ва қардошлик ришталари янада мустаҳкамланаётганининг ёрқин ифодаси бўлди.

Акс садо

Сўнгги йилларда Марказий Осиё

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган яхши қўшничилик, конструктив ва ўзаро манфаатли муносабатларга асосланган ташқи сиёсат натижасида мамлакатимизнинг қўшни давлатлар билан алоқалар тубдан ўзгарди. Ҳозирда ўзаро ишонч, ҳурмат ва ривожланиш ушбу алоқаларнинг негизини ташкил қилмоқда.

Ушбу ўзгаришларни биз Қирғизистон билан муносабатларимизда яққол кўришимиз мумкин. Зеро, охириги йилларда икки томонлама алоқалар барча соҳаларда сезиларли даражада фаоллашди. Хусусан, қарор товар айирбошлаш ҳажми қарийб 10 баробарга ўсиб, ўтган йил якунига қўра 1,2 млрд. долларга етди. Икки мамлакат ўртасида саноат кооперацияси, инвестициявий ҳамкорлик ва қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича катта натижаларга эришилди.



Мазкур шартнома икки мамлакат ўртасидаги алоқаларини мазмунан янги босқичга олиб чиқиб, давлатларимизнинг ўзаро ишонч ва манфаатларни ҳисобга олиш тамойиллари асосида ҳаракат қилишини янада мустаҳкамламоқда. Ушбу ҳужжат нафақат сиёсий ироданинг ифодаси, балки Ўзбекистон ва Қирғи-

зистон халқларининг умумий тарихий илдизлари, яқин маданий қадриятлари ҳамда муштарак келажака интилишларининг ҳуқуқий тим-солидир.

Ҳужжат хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, ташқи сиёсат соҳасида ўзаро қўллаб-қувватлаш, иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, маданий-гуманитар соҳадаги биргаликдаги фаолиятимизни жадаллаштириш, чегараолди ҳудудлар ўртасидаги ишларни ривожлантириш каби икки мамлакат ҳамкорлигининг барча соҳалари учун ҳам янада мустаҳкам замин яратмоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Қирғизистон муносабатларида кузатилаётган ижобий ўзгаришлар, аввало, давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси ва халқларимиз ўртасидаги самимий мулоқотларнинг натижасидир. Чегара масалаларининг ҳал этилиши, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар алоқаларнинг кенгайиши икки томонлама ҳамкорлигининг янги саҳифаларини очди.

Давлатлар ўртасидаги шерикликнинг тизимли ривожланиши биргаликда амалга оширилаётган катта лойиҳалар, жумладан, энергетика соҳасида стратегик аҳамиятга эга “Қамбарота ГЭС-1” курилиши, Марказий Осиёнинг халқаро транспорт йўлакларидидаги ўрнини янада мустаҳкамловчи Хитой —

Халқаро меморандум

МУНОСИБ МЕҲНАТ ТАМОЙИЛЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ БОРАСИДА МУҲИМ ҚАДАМ

Швейцариянинг Женева шахрида Ўзбекистон Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ҳамда “Better Cotton” ташкилоти ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Мазкур ҳужжат мамлакатимизда муносиб меҳнат тамойилларини янада мустаҳкамлаш, барқарор пахтачиликни ривожлантириш, халқаро стандартларни кенг жорий этиш ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг жаҳон бозорларидаги рақобатбардошлигини оширишга қаратилган муҳим қадам бўлди. Ҳужжатнинг имзоланиши Ўзбекистонда пахтачилик соҳасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар, мажбурий меҳнатга бутунлай барҳам берилгани, муносиб меҳнат тамойиллари кенг жорий қилингани ва бу борада эришилган натижалар халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилаётганининг яна бир амалий ифодасидир.

Бу натижаларга эришишда Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги Одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича миллий комиссиянинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Комиссия томонидан муносиб меҳнат тамойилларини таъминлаш, мажбурий ва болалар меҳнатининг олдини олиш, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда мазкур соҳада парламент назоратини кучайтириш бўйича амалга оширилган тизимли ишлар мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг самарадорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Имзоланган меморандум доирасида барқарор пахтачилик соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, илгор тажрибаларни жорий этиш, техник салоҳиятни мустаҳкамлаш, маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини ошириш, шунингдек, миллий ишлаб чиқарувчиларнинг халқаро бозорлардаги имкониятларини янада кенгайтириш бўйича ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш назарда тутилган.

Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси ҳамда халқ депутатлари Бектемир тумани Кенгашининг қўшма мажлисида Президентимизнинг жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган қарорлари ижроси, шунингдек, туманда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилган ишлар натижалари муҳокама қилинди.

Муҳокама

Йиғилишда таъкидланганидек, туманда жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида замонавий кузатув ҳамда назорат воситаларини жорий этиш кўлами кенгайтирилган. Хусусан, маҳаллалар, аҳоли гавжум жойлар, кўп қаватли уйлар ҳамда асосий кўчалар ва савдо мажмуаларида 200 дан ортқ видеокузатув камералари ўрнатилган.

Шунингдек, 291 та кўп қаватли уй ва хонадонлар ҳамда 274 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объекти техник қўриқловга олинган. Кўп қаватли уйларга бегона шахсларнинг назоратсиз кириб-чиқишини чеклаш мақсадида 223 та уйнинг кириш эшикларига махсус мосламалар ўрнатилган.

Аҳоли гавжум ҳудудларда хавфсизликни таъминлаш ва эҳтимолий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун «Қўйлик» ва «Food city» бозорларида ситуацион марказлар фаолияти йўлга қўйилган ва «Ҳуқуқ-тартибот маскани» ҳам ташкил этилган. Туманда жамоат хавфсизлигини таъминлаш масаласи барча учун бирдек масъулиятли вазифага айланган.

Мажлисида ижтимоий профилактика йўналишида амалга оширилган ишлар ҳам кўриб чиқилди. Хусусан, Мудофаа вазирлиги госпиталининг малакали шифокорлари иштирокчида туманининг 18 та маҳалласида бепул тиббий куриклар ташкил этилгани ҳамда қарийб 5 минг нафар кекса, аёл ва болаларга тиббий хизмат кўрсатилгани қайд этилди.

«Халқ сўзи».

ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ОДАМЛАРНИНГ ЭҲТИЁЖЛАРИГА ТАЯНИШИ ЛОЗИМ

Аввал хабар қилинганидек, шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ўз сайлов округларидаги маҳаллалар, хонадонлар ҳамда ижтимоий-иқтисодий объектларда бўлиб, аҳоли билан очик ва самарали мулоқотлар ўтказмоқда.

Жумладан, 29 — 31 июль кунлари халқ вакиллари ҳудудларда 1 500 дан ортиқ хонадонлар, мингдан ортиқ маҳаллалар, мингга яқин тадбиркорлик субъектлари ҳамда 900 дан зиёд ижтимоий соҳа объектларида учрашувлар ташкил этди. Ушбу мулоқотларда қарийб 31 минг нафар аҳоли қатнашди.

Учрашувлар давомида давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатнинг жорий йил биринчи ярми якунлари ҳамда йил охирига қадар белгиланган устувор вазифалар, энергетика соҳасини ислоҳ қилишга қаратилган ташаббуслар, шунингдек, “маҳалла еттилиги” фаолиятини янги босқичга олиб чиқиш юзасидан берилган топшириқлар ижросини ҳудудларда самарали таъминлаш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларнинг ечими юзасидан амалий чораларни белгилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Депутатлар — ҳудудларда

Таклифлар шакллантирилмоқда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси раҳбари Алишер Қодиров бошчилигидаги ишчи гуруҳнинг Фарғона вилоятидаги ўрганишлари давом этмоқда.

Депутатлар аҳоли ва тадбиркорлар билан очик мулоқотлар ўтказиб, Президентимиз томонидан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ҳудудларда барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, хусусий секторни қўллаб-қувватлаш ҳамда энергетика соҳасида белгиланган устувор вазифаларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш баробарида жойлардаги мавжуд масалаларни бевосита ўрганишга эътибор қаратмоқда.

Ишчи гуруҳнинг навбатдаги манзили — Фарғона туманидаги кичик sanoat зонаси бўлди. Тадбиркорлар билан ўтказилган очик мулоқотда солиқ тизими, қадар тўносабларига, электр энергияси таъминоти ҳамда тадбиркорлик фаолиятига тўққинлик қилаётган айрим маъмурий тартиб-таомилларни соддалаштириш масалалари муҳокама қилинди. Айтилганидек, иқтисодий ўсишни таъминлаш, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ва янги иш ўринлари яратишда тадбиркорларнинг амалий таклифлари муҳим аҳамият касб этади.

Мулоқотларда туман даражасида ҳал қилиниши мумкин бўлган масалалар мутасаддилар иш-тирокида жойида қўриб чиқилди. Қонунчиликни такомиллаштиришни талаб этадиган таклифлар эса умумлаштирилиб, белгиланган тартибда парламент муҳокамасига киритилиши айтилди.

Депутатлар Фарғона шаҳридаги “Ёшлар” маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам бўлиб, “маҳалла еттилиги”, жамоатчилик вакиллари билан учрашди. Суҳбатларда Президентимиз ташаббуси билан маҳалла бошқарувининг самарадорлигини оширишга қаратилган ислохотлар, маҳалланинг жамият ҳаётидаги ўрни, аҳолининг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш масалалари эътибор марказида бўлди. Шунингдек, мамлакатимиз мустақиллигининг 35 йиллигини муносиб нишонлашга тайёргарлик доирасида истиқлол йилларида амалга оширилган улкан ўзгаришлар, миллий қадриятларни асраб-авайлаш, тарихий меросни тарғиб этиш, миллий ўзликни англаш ва ватанпарварлик туйғусини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳуқуқига ҳам фикр алмашилди.

Алишер ҚОДИРОВ,
фракция раҳбари:

— Бугун депутат фаолиятига энг ҳолис баҳо айнан маҳаллада берилади. Чунки унинг сайловчилар билан мулоқоти, ҳудуддаги амалий ишлари ҳамда ташаббуслари, аввало, маҳалла ҳаётида

намоён бўлади. Шунинг учун халқ билан очик ва доимий мулоқот фаолиятимизнинг ажралмас қисми бўлиши керак. Фарғона туманидаги “Янги аср” маҳалла фуқаролар йиғинида “маҳалла еттилиги”, нурунийлар, хотин-қизлар ҳамда фаоллар билан бўлган учрашув ҳам ана шу мақсадга хизмат қилди. Суҳбат давомида маҳаллаларни ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириш, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси ҳамда давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан фикр алмашилди. Энг муҳими, аҳоли томонидан билдирилган ҳар бир таклиф ва мурожаат биз томонимиздан атифалар билан ўрганилади. Заруратга қараб, уларни қонунчилик ташаббуслари даражасига олиб чиқишга ҳам тайёрмиз. Чунки қонун ижодкорлиги, аввало, ҳаётнинг ўзи ва одамларнинг реал эҳтиёжларига таяниши лозим.

Ҳамжиҳатлик билан улугвор мақсад сари

Депутатлар — Зухра Мирғозиева ва Даврон Арипов Тошкент вилоятидаги ўрганишлари доирасида Юқори Чирчиқ туманининг Жумабозор маҳалласидаги 64-оилавий поликлиника фаолияти билан танишди. Таҳлиллар натижасида муассасада учта соҳавий йўналиш бўйича мутахассис шифокорлар етишмаслиги, аҳоли эса бунинг учун пойтахтга қатнашга мажбур бўлаётгани аниқланди ва ушбу масалани қисқа муддатда ҳал этиш бўйича тегишли идора масъуллари билан учрашув ўтказилади.

Фракция аъзоларининг “Долзарб 40 кунлик” лойиҳаси доирасида Гулистон маҳалласи ёшлари билан очик мулоқоти ташкил этилди.

Унда таъкидланганидек, Президентимиз ташаббуси билан Тошкент вилояти кейинги йилларда юқори суръатларда ривожланмоқда. Вилоятнинг маркази бўлмагани учун жуда кўп йиллар ҳудуд аҳолиси Тошкент шаҳрига қатнаб қўйналишар эди.

Зухра МИРҒОЗИЕВА,
депутат:

— Бугун Нурафшон шаҳри нафақат ҳудуд маркази, балки мамлакатимиздаги йирик шаҳарлардан бири сифатида бўй кўрсатмоқда. Бунёдкорлик ишлари, аввало, вилоят аҳолисининг фаровонлигига йўналтирилган. Шаҳар замонавий инфратузилмага эга ва у янада такомиллашиб бормоқда. Давлатимиз

раҳбарининг Тошкент вилоятига жорий йил 22 июль кунги ташрифи тарихий аҳамиятга эга. Чунки ташриф давомида халқимиз манфаатлари ва инсон қадри тамойилларини мужассам этган яна қатор ташаббуслар илгари сурилди. Бир вақтлар эътиборсиз қолдирилган ҳудудда бугун барча замонавий талабларга жавоб берадиган инновацион шаҳар тикланмоқда. Нурафшон яқин йилларда мамлакатимизнинг марказий шаҳарлари қаторига қиради. Сайловчиларимиз билан учрашувларда бу борада ҳар биримизнинг масъулиятимиз ва мана шундай улугвор мақсад йўлидаги амалий ҳаракатларимизни келишиб олдик.

Сайловчилар манфаати инобатга олинади

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Муҳаддас Ўразалиева Жиззах вилоятининг Зомин тумани сайлов округларида фуқаролар билан учрашувлар ўтказиб, уларнинг мурожаат ва таклифларини атифаларга ўрганди.

Хусусан, Истиқлол маҳалласида маҳалла фаоллари, кексалар ва “маҳалла еттилиги” вакиллари билан ташкил этилган учрашувда ҳудудларни ривожлантириш, аҳоли турмуш сифатини яхшилаш ҳамда ижтимоий инфратузилмани мустаҳкамлашга қаратилган масалалар муҳокама қилинди. Билдирилган мурожаатларнинг бир қисми жойида ижобий ҳал этилди, қўшимча ўрганишни талаб қиладиган масалалар юзасидан эса масъул ташкилотларга аниқ вазифалар белгиланди.

Халқ вакили тумanning Чапарашли қишлоғида жойлашган тиббиёт маскани фаолияти билан ҳам яқиндан танишиб, муассасанинг моддий-техник базаси ва аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини ўрганди.

Учрашувларда Президентимиз раислигида ёқилғи-энергетика соҳасини ривожлантириш бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгиланган устувор вазифаларнинг мазмун-моҳияти ҳам аҳолига тушунтирилди. Хусусан, энергетика тармоғига инвестицияларни кенг жалб этиш, замонавий инфратузилмани ривожлантириш, энг муҳими, соҳада самарали бошқарушни таъминлаш ва аҳоли ҳамда тадбиркорларни қийнаётган муаммоларга жойида ечим топиш бўйича белгиланган вазифалар алоҳида уқтирилди.

Муҳаддас ЎРАЗАЛИЕВА,
депутат:

— Энергетика бугунги мураккаб глобал вазиятда ҳар бир мамлакат учун стратегик аҳамиятга эга. Аслида, бу тармоқнинг барқарор ишлаши минтақавий масалалардан бири. Давлатимиз раҳбари томонидан сўнгги йилларда олиб борилаётган яқин ва дўстона қўшничилик сиёсати натижасида Марказий Осиё мамлакатларида энергетика соҳасида ҳам бир-бирини қўллаб-қувватлашга асосланган ҳамкорлик ва бирдамлик руҳи мустаҳкамланди. Буни Президентимизнинг Қирғиз Республикасига давлат ташрифи давомида эришилган тарихий натижалар ҳам яна бир бор исботлади. Умуман олганда, барқарор энергия таъминоти учун қандай чоралар зарур бўлса, барчаси кўрилувчи. Биз, депутатлар аҳоли билан учрашувларда мана шу ишларнинг аҳамиятини кенг тушунтириш билан бир қаторда, соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифларни тингляймиз. Сайловчилар бераётган таъсиялар жуда муҳим. Улар, албатта, қўрилаётган чора-тадбирлар, дастурларда акс этади.

Мурожаатлар атифаларга ўрганилди

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари — Ирина Токарева ва Жамол Очилов Тошкент шаҳрининг Олмазор туманидаги Янги Себзор маҳалласида бўлиб, аҳоли ҳамда “маҳалла еттилиги” вакиллари билан очик мулоқот ўтказди.

Депутатлар аҳоли билан суҳбатлар давомида Қонунчилик палатасининг 2026 йил биринчи ярмидаги фаолияти, хусусан, қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил тадбирлари тўғрисида атифаларча маълумот берди.

Шунингдек, жойларда аҳолини ташвишга солаётган энг долзарб масалалар муҳокама қилинди. Хусусан, кўп квартиралы уй-жойларга хизмат кўрсатувчи бошқарув сервис компанияси (БСК) фаолияти алоҳида мавзулардан бири бўлди. Аҳоли томонидан коммунал хизматлар сифати, таъмирлаш ишларини ўз вақтида амалга ошириш, уйлар атифоти ҳудудларини ободонлаштириш, кириш йўлаклари ва муҳандислик коммуникацияларини сақлаш ҳамда бошқарув компаниясининг аҳоли билан самарали ҳамкорлиги юзасидан фикр ва таклифлар билдирилди.

Депутатлар фуқароларнинг мурожаат ва таклифларини диққат билан тинглаб, кўтарилган масалалар юзасидан зарур тушунтиришлар берди ҳамда ҳар бир мурожаат батафсил ўрганилишини таъкидлади. Кўтарилган барча муаммолар уларнинг самарали ва ўз вақтида ҳал этилишига қўмаклашиш мақсадида депутатлик назоратига олинди.

Жамол ОЧИЛОВ,
депутат:

— Мамлакатимизда коммунал хизматлар сифатини ошириш, аҳоли учун муносиб яшаш муҳитини яратиш масаласи устувор вазифа сифатида белгиланаётгани бежиз эмас. Чунки халқимизнинг розилиги, қайфияти, аввало, ўзи яшайдиган уй, ҳовли ва кўчадаги шароити орқали шаклланади. Агар бошқарув сервис компаниялари масъулият билан ишласа, коммунал хизматлар сидқидилдан олиб борилса, бу одамларнинг турмуш сифатига бевосита ижобий таъсир кўрсатади. Шу боис аҳоли томонидан билдирилган ҳар бир таклиф ва муаммони қонунчилик ҳамда депутатлик назорати орқали ҳал этишга қўмаклашамиз.

Бунёдкорлик ишлари жадаллашмоқда

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Хайрулло Гаффоров Янги Наманган туманидаги Минтерак маҳалласида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 35 йиллиги муносабати билан ҳудудларда олиб борилаётган ободонлаштириш ва инфратузилмани яхшилаш ишлари доирасида маҳалланинг Саҳоват кўчасида 4 километр пиёдалар йўлакчаси ҳамда 5 километр автомобиль йўлини асфальтлаш ишларининг бошланиш жараянлари кўздан кечирилди. Мазкур лойиҳалар байрамни муносиб қутиб олиш, аҳолига қулай шароит яратиш ва маҳалла қиёфасини янада обод этишга хизмат қилиши таъкидланди.

Шунингдек, маҳаллада фаолият юритаётган хунарманд ва тикувчи тадбиркорлар билан ҳам учрашув ўтказилиб, ишлаб чиқариш фаолияти, очилган иш ўринлари ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш истиқболлари юзасидан фикрлар алмашилди, таклиф ва мулоҳазалар тингланди.

Хайрулло ГАФФОРОВ,
депутат:

— Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ислохотларнинг ҳақиқий самараси одамлар ҳаётида сезилиши керак. Бугун маҳаллаларда барпо этилаётган йўллар, пиёдалар йўлаклари ва яратилаётган қулай шароитлар айнан шу эзгу мақсадга хизмат қилмоқда. Обод ҳудуд — аҳоли қайфияти, тадбиркорлик фаоллиги ва инсонлар турмуш тарзига ижобий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳар бир бунёдкорлик лойиҳасининг сифатли амалга оширилиши ва халқ манфаатига хизмат қилиши устидан парламент назоратини изчил давом эттирамиз.

Аҳолини қўллаб-қувватлаш чоралари кўрилади

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Маъруфжон Раҳмонов Уйчи туманидаги Кесканёр ва Ғайрат маҳаллаларида бўлиб, “маҳалла еттилиги” фаолияти, аҳоли бандлигини таъминлаш ва оилалар даромадини оширишга қаратилган ишлар билан яқиндан танишди.

Мулоқотларда Президентимиз раислигида ҳудуд ва тармоқларда ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича жорий йилнинг биринчи ярмида эришилган натижалар ва йил якунига амалга оширилаётган устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида илгари сурилган ташаббусларнинг мазмун-моҳияти кенг тушунтирилди.

Суҳбатлар чоғида маҳалла аҳолиси томонидан қатор таклифлар билан бирга, қўчаларни асфальтлаш бўйича мурожаатлар тушди. Мазкур масала ечими депутат назоратига олиниб, ижобий ҳал этиладиган бўлди.

Ўрганишлар давомида депутат меҳнат миграциясидан қайтган фуқаро оиласига ажратилган имтиёзли кредит эвазига йўлга қўйилган чорва-чилик ҳўжалигини кўздан кечириб, қорамолчилик, қўйчилик ва паррандачилик орқали барқарор даромад манбаи яратилганини эътироф этди. Шунингдек, тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли мурожаатлари билан манзилли ишлаш ҳамда ҳар бир оиланинг барқарор даромад манбаини шакллантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканини алоҳида таъкидлади.

Маъруфжон РАҲМОНОВ,
депутат:

— Давлатимиз раҳбари ярим йиллик натижалари ва йил якунига қадар белгиланган режаларга бағйишланган йиғилишда халқимиз манфаати ва фаровонлигини кўзлаган жуда муҳим ташаббусларни илгари сурди. Мулоқот-

ларимизда бу ташаббусларнинг аҳамиятини сайловчиларга кенг тушунтирялгимиз. Айниқса, маҳаллаларни, хонадонларни обод қилиш, эҳтиёжманд аҳолини қўллаб-қувватлаш чораларини биргаликда ҳал этиш учрашувларимизнинг энг муҳим мақсадларидан бири бўлмоқда. Масалан, Ғайрат маҳалласида жойлашган 20 минг нафар аҳолига хизмат кўрсатаётган Оилавий шифокор пункти фаолиятини ўргандик. Биринчи тиббий ёрдам учун мавжуд дори-дармонлар захираси кўздан кечирилиб, тиббиёт ходимлари томонидан билдирилган муаммо ва камчиликлар тингланди. Ушбу масалаларнинг ечими ҳам назоратга олинди.

«Халқ сўзи».

ФИДОЙИ КАСБ ЭГАЛАРИ ШАРАФЛАНДИ



Пойтахтимиздаги “Темирйўлчилар маданият саройи”да Темир йўл транспорти ходимлари кўни муносабати билан байрам тадбири бўлиб ўтди.

Тадбир

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон темир йўл транспорти соҳаси ходимларига йўллаган табригини Бош вазир ўринбосари А. Раматов ўқиб эшиттирди.

Тантанали маросимда транспорт вазири Илҳом Маҳмамов сўзга чиқиб, темир йўл соҳасининг мамлакат иқтисодий тараққиётидаги аҳамиятига алоҳида тўхталиб, шу соҳада хизмат қилиб келаётган фидойиларни касб байрами билан муборакбод этди.

— Мана шундай қувончли кунда давлатимиз раҳбари касб

унум бор, натижадорлик юқори. Соҳа вакиллари айтганидек, бундан ўн йил аввалги ҳолатни эсласак, тизимда муаммолар қалашиб қолганди. Хизмат кўрсатиш сифати ва маданияти, тўловлар механизми қолюқлиги ҳақли эътирозларга сабаб бўлаётганди. Давлатимиз раҳбарининг эътибори, молиявий кўмак берилгани тўғрйли соҳа иқтисодий ночорлиқ, муқаррар таназзулдан қикиб олди.

Дарҳақиқат, бугун вазият тубдан ўзгарган, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ мамлакат иқтисодиётининг ҳақиқий локомотивига, ҳаракатлантирувчи қучига айланган. Президентимиз табриғи, жамоа шаънига билдирилган илиқ сўзлари тақдир и шу касб билан боғланган инсонлар қайфиятини янада кўтариб, янгидан-

янги лойиҳалар, орзулар сари илҳомлантирмоқда.

— Фарб билан Шарқни боғловчи савдо йўллари, глобал транспорт-логистика тизимлари айнаи темир йўл хизмати ривож и, тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ. Биз бу йирик лойиҳаларни рўёбга чиқаришда давлатимиз раҳбари талаб этаётганидек, янада фаол, ташаббускор бўламиз, — деди З. Нарзуллаев.

Тадбирда темир йўл транспорт соҳасидаги узоқ йил самарали меҳнат қилган, ташаббус кўрсатган бир гуруҳ фидойиларга “Фаҳрий темирйўлчи” кўкрак нишони ва пул мукофотлари тантанали равишда топширилди.

Касб байрамнинг маданий тадбирлари концерт дастури билан давом этди.

Кулайлик Яна бир «Жалолиддин Мангуберди» йўлга чиқади

Давлатимиз раҳбарининг ташаббусига кўра Жанубий Корея билан ҳамкорлик доирасида “Hyundai Rotem” компаниясида ишлаб чиқарилган поездлардан 6 тасини юртимизга олиб келиш, шу орқали темир йўлда йўловчилар ташиш сони ва сифатини оширишга жиддий киришилган эди. Шу йил май ойида хориждан келтирилган илк электропоезд “Жалолиддин Мангуберди” номи билан Тошкент — Хива — Тошкент йўналишида қатнай бошлади. Утган қисқа давр ичида 35 минг нафардан ортиқ йўловчиларни манзилга етказди.



— Ўзига хос муҳандислик ечимига эса электропоезднинг тезлиги юқори бўлиб, соатига 250 километргача ҳаракатлана олади, — дейди “Темирйўлэкспресс” АЖ юқори тезликда ҳаракатланувчи электропоездларга техник хизмат кўрсатиш марказ бўлими бошлиғи Жамшид Анваров. — Илгари Тошкент — Хива йўналишида масофа 14 соатдан ортиқ вақт мобайнида босиб ўтйилган бўлса, замонавий электропоезда йўловлар 7 соату 30 дақиқа ичида манзилга етиб олишяпти.

Айни чоғда мутахассисларимиз учинчи электропоездни маҳаллий шароитда синов-

дан ўтказмоқда. “Hyundai Rotem” компаниясидан келган 15 нафардан ортиқ мутахассислар ҳам шу ерда, электропоездларни рейсга тайёрлаш, замонавий техникаларга юқори даражада хизмат кўрсатиш тизимини ташкил этишда қатнашмоқда.

Дарвоқе, йил охирига қадар Жанубий Кореядан яна 3 та электропоезд олиб келинади. Шу тарика йўловчи ташиш ҳажми қаррасига ошади. Бу, ўз навбатида, Хоразмга сайёҳлар оқимининг кўпайишига ҳам катта туртки беради.

Абдунаби АЛИҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиғи таркибида Ёқилғи-энергетика тармоғини рақамлаштириш ва сунъий интеллектни жорий этиш маркази ташкил қилинади.

УФҚЛАРГА ТАЛПИНГАН ЁШЛИК

(Ёш ижодкорларнинг аънавий Зомин семинаридан кейинги ўйлар)

“Ёшлар — келажакимиз” деган оҳанраболи сўзлар дил-дилимизга ўрнашган. Бугун Ўзбекистонда “Ассалому алайкум” деган ширин калом қанчалар одатий ва ардоқли бўлса, “Ёшлар — келажакимиз” жумласи ҳам шундай мақомга эга. Бобо набирасига қараб шундай дейди, мураббий ўқувчисига боқиб беихтиёр ушбу сўзларни айтади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев эса айтиб қўя қолмайди, ёшларимиз ҳақида ўнлаб муҳим, ҳаётий ва зарур қарорлар чиқаради, уларнинг ижросини назорат қилади, самараларини кўриб беҳад қувонади.

■ Нигоҳ

Давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган дастлабки ҳужжатлардан бири китобхонлик ва мутлоаа маданиятини юксалтириш билан боғлиқ фармойиш эди. Мақсад китоб мутлоааси деган инсоний неъматдан анча йироқлашиб қолган ёшларни унга қайтариш эди. Бу фармойиш яхши самаралар бермоқда. “Маза қилиб китоб ўқи бохатлансанг ва эвазига машина миниб кетсанг!.. Бу қайси мамлакатда борм?” деб ҳайратга тушишди одамлар.

Янги Ўзбекистон — ёшлар мамлаката. Чамаси, бутун аҳолининг учдан иккисини ёшлар ташкил қилади, десак, муболаға бўлмас. Ёшлар... Улар учун икки дунё — бир қадам. Оруларни улкан, осмон торлик қилади.... “Осмонга нарвон қўйишми? Бу бизга осон! Юлдузни олиб тушишми? Бизга ҳеч қийин-

да қатнашиш насиб этаётганидан қувончлари чексиз эди.

Анжуманни “халқаро” дейишим бежиз эмас. Чиндан ҳам, Зомин семинари биринчи марта халқаро тус олди. Гап шундаки, Ўзбекистон Ёзувчилар уюشمаси билан ҳамкорликда “Ватандош” жамоат фонди, хусусан, унинг раиси Одилжон Сатторов ташаббуси билан жаҳоннинг олти хорижий мамлакатидан ўн бир ўзбек ёш ижодкори ҳам қатнашиб, анжуманга ўзгача ранг бағишлади. Хали бунақаси бўлмаганди!

Ватандошларнинг кўзлари ёнарди, шукроналик туйғусидан юраклари қалқирди. Марказий Осиё давлатлари, Жанубий Корея ва Туркиядан келган, мусофир юртларда юрган, гуллаб-яшнаётган Ватанини соғинган ёш ўзбек йигит-қизлари бахтиёр эдилар. Улар дунёнинг қай ерида бўлмасин, ўз фарзандларини йўқлайдиган, уну-

Президентимиз мамлакатни кезиб чиқишни яхши кўради, ҳамма нарсани ўзи бориб кўришни истади. Шаҳарлар, қишлоқлар, янги манзилгоҳларни бир-бир назардан ўтказди. Янги шаҳарлар, иншоотлар, корхоналар ва ҳоказолар кўришни бошлаш ҳақида фармон беради. Албатта, бу борада бола-лар, ёшлар ҳам диққат марказидан қочмайди. Қишлоқларда одамларнинг уйига кириб боради, уларнинг ҳаёти билан қизиқади, ҳамма нарсани сўраб-суриштиради. Агар оилада катта фарзанд воёга етиб қолган бўлса, унинг тўйи қачон бўлишини сўрайди ва албатта, тўйга тақлиф қилишларини тайинлайди.

Эсимда бор, бир марта ногиронлиги бўлган болалар уйига ташриф буюрган Президентимиз аравадада ўтирган бир қизча ёнига бориб, меҳрибонларча бошини силаб суҳбатлашди. Қизалоқ кўзлари чарақлаб, яшнаб кетди. Давлатимиз раҳбарининг бир ёш кўнгилни кўтарганини ойнаи жаҳонда кўриб, кўзларимга ёш келган эди ўшанда...

Ҳаётимизда юз берган яна бир савобли воқеани эслаб ўтишни зарур деб ҳисоблайман. Юртбошимиз фақат йигит-қизлар тақдири билан қизиқмайди, балки ёши улугларнинг ҳаёти ҳам у кишини тўлқинлантириб туради. Қурбон ҳайити арафасида Президентимиз йўлнамаси билан юз киши муқаддас Ҳаж сафарига бепул юборилди.

Сафарда иштирок этиш каминана ҳам насиб қилганидан бағоят бахтиёрман. Чексиз миннатдорлик билдираман. Бу ерда бир жиҳат жуда муҳим. Юз кишининг Ҳаж сафари “халқ пули” билан эмас, Президентимизнинг ўз ҳисобидан амалга оширилди! Бу халқни ўйлаш, унинг оғирини енгил қилиш, меҳрибонлик, ғамхўрликнинг чинакам инсоний қўринишидир. Бунга тан бермоқ керак. Биз Маккаи мукаррама ва Мадинаи мунавваранда бўлган вақтимизда Юртбошимиз, жонажон халқимиз, Янги Ўзбекистонимиз шаънларига сидқидилдан дуолар қилдик, токи Аллоҳ талоо ҳаммамизни ўз ҳифзу ҳимоясига оқласин. Президентимизнинг бу қўлгў ташаббуси бошқаларга ҳам ибрат бўлишига ишончим комил.

Сўз ёшлар ҳақида бораётган эди...

Юқорида айтилганидек, ҳамма нарса ёшлар учун, чунки улар — келажакимиз. Хўш, давлатимиз раҳбари навқирон авлодга шунчалар имконлар яратиб бераётган экан, биз қандай жавоб беришимиз керак? Президентимиз, халқимиз ёшлардан нималарни кутмоқда?

Бу савол ҳар бир ўғил-қизнинг олдига турган, ўзи қил қилиши лозим бўлган ҳаётий масалалар. Аввало, у ватанпарвар бўлсин, қайси тупроқда туғилганини унутмасин, унга меҳр қўйсин, қайси миллатнинг урвоғи эканини азиз тиллатсин, фахрлансин. Спитамен, Алпомш, Жалолиддин Манғуберди, Темури Малик, Амир Темури, Захириддин Муҳаммад Бобури сингари садокатли ва фидойи фарзанд, ана юрт учун жон-фидо бўлишга тайёр, қўсини қалқон қила оладиган асил инсон бўлиб камолга етсин. У билимдон бўлсин, меҳнатдан қочмасин, меъёрини билсин. Ўзининг ким экани, илдизлари жуда олис-олислардан нур олганини, асрлар оша ўтиб келиб, юрагининг туб-тубидаги шох томирга узилмас бўлиб уланганини ёдига сақласин.



Муҳаммад Али, Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

Ҳа, ўзини ўзбек фарзандиман деган қалб эгаси ватанпарвар бўлмоғи керак. Ватанпарварлик — она тупроқда туғилмоқдан, уни яхши англамоқдан, она тилини тегран билмоқдан (чунки она тили қалб ва тафаккурни ҳаммаша қувватлантириб тургуви улуг қуч-қудратга эга, у кишининг ҳиёнат қилишига йўл қўймайди!), ўз халқининг тарихини чуқур ўрганмоқдан (бунга адабиёт, санъат, умуман олганда, маданият кирди) иборат.

Замон тақозоси билан тилларни ўрганиш урф бўлиб кетди. Бу — яхши ҳодиса. Инглиз тилига қизиқиш катта, рус, корей тили... ва ҳоказо тилларни айтиш мумкин.

Бир нарса кишини ўйлантиради... Айрим ҳолларда ота-оналар болаларини кичиклигидан, ҳали тили қўтмай инглиз ва бошқа тилли боғчаларга, мактабларга беришмоқда. Азияларни оғохлантириб қўй: бу янглишдан бошқа нарса эмас! Боланинг тили она тилида чиқиши керак, сиз фарзандингизни бу неъматдан маҳрум этманг! Чунки бола илк ўрганган тилида тафаккур қилади. Бошқа тилда ўқиган бола ўша тилники бўлиб қолади, тарбия ҳам шунга муносиб бўлади. Бу — аксиома! Бунинг учун, албатта, боғчалар ва мактабларимизда таълим бошқа тиллардагидан яхшироқ, ҳеч бўлмаса, ўшалардай бўлмоғи керак, шунга интилишимиз зарур! Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги таълим сифатини яна ҳам яхшилашга алоҳида эътибор беради деб умид қиламан. Ҳар мактаб, боғча эшигида “Биз ватанпарварларни тарбиялаб, камолга етказамиз!” де-



ган шиор ёзиб қўйилса, нечоғли соз бўларди!

Савол туғилади: биз кимларни тарбия қилмоқдамиз? Ватанимизнинг жасур қиз-ўғлонлари, фидоқор фарзандлари, ватанпарварлариники ёки инглиз, рус тилларини пухта ўргатиб, хориж хизмати-га тайёр “гастарбайтер”ларни ўстиряймизми?..

Яқин ўтмишдан мисол келтира-

ман. Бизнинг устоз адиблар, тенгқурларимиз (бошқаларни қўйиб турайлик) ҳам ўз болаларини бири биридан кўриб, ҳавас қилиб таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларга ўқишга беришарди. Оқибатда бола ўз отасининг асарини рус тилига таржимасида ўқирди, агар ўқиса! Улар ўзбек адабиётидан кўра кўпроқ рус адабиётини яхши билишарди, улуғлашарди. Бу — ачинарли аҳвол эди-ку! Охир-оқибатда фарзандлар бизни бошқа тилда ўқитишди деб ота-онасидан ҳаф бўлиб юрганларининг шохиди бўлганман.

Бундан, она тилидан бошқа тил ўрганилмас экан-да деган фикр келиб қичмайди. Ўз фарзандини қайси тилда ўқитиш ҳар ота-онанинг ўз ихтиёрида. Фикримизча, бола, аввало, она тилини яхши эгаллаши лозим. Кейинчалик бошқа хоҳлаган тилларни ўргансинлар. Йўллар очик. Мақсад ўзбек боласи ўзлигини йўқотмасин деймиз. Ўзлигини йўқотмаган фарзандларнинг қўнгли фахрулфитҳорга тўла, гурурли, ориятлидир. Улар ҳақиқий ватанпарвар бўлиб етишадил, Ватанининг, эл-халқнинг қорига ярайди, мустаҳкам суянч бўлади...

Бунинг учун, тарбиянинг бошқа соҳаларида тарихимизни яхши ўрганиш янада барҳок йўлга қўйишимиз лозим. Ёшлар боболаримиз тарихини яхши билишлари жоиз, уларга ибрат керак. Президентимиз биз, адиблардан, Ал-Хоразмий, Ал-Беруний, Ибн Сино, Амир Темурилар ёшлиги ҳақида асарлар қани, ёшларимиз ўқиб билсин, фахрлансин деб сўрайдилик. Камини шундан кейин “Темурибек” номли тарихий қисса ёздим...

Театрларимиз саҳналарида ҳам тарихий сиймолар ҳақида асарлар кўпроқ қўйилишини орзу қиламан. Театрда кўриш таассуроти ўзгача бўлади. Афсуски, биринчи ўзбек операси “Буюк Амир Темури” Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида беш йилдан бери навбат кутади... Шундай асарлар ёшларимиз учун катта рағбатлантириш, руҳан ардоқлаш вазифасини ўтар эди, албатта.

Тил ҳақида гапирганда, муҳим бир жиҳатни айтиб ўтиш жоиз. Барча мактабларда мунтазам равишда иншоолар танлови ўтказиб бориш тиклансин. Тузилиш-ташқил этилишидан қатъи назар, барча олий ўқув даргоҳларида кириш имтиҳонларида ўзбек тилидан иншоолар киритилса ва унинг бал(баҳо)лари эътиборга олинса, нур устига нур бўларди.

Сўз ёшлар ҳақида эди. Йигит-қизларимиз шижоатли, шиддатли, ақлли, кучли тафаккурли, билимли. Шахматчиларимиз илгор, боксчиларимиз — жаҳон чемпионлари. Қанчадан-қанча олимпиадаларда голибликни қўлга киритаётган ёшларимиз Ўзбекистон байроғини баланд кўтаришмоқда. Булардан беҳад қувонамиз.

“Сиз, ахир, осмонни олмақ бўлсангиз, Не учун елкамни тутиб бермайсиз?” дея ёшларни ардоқлаган улуг ўзбек шоири, академик Гафур Ғуломнинг бир шеърида шундай сатрлар бор:

Альо мамлакатнинг альо фарзанди,
Билиб қўйки, сени Ватан кутади!

Келажакимиз бўлган, жасоратларга отланган, эй жасур ўғлон! Эй шаддод қиз! Билиб қўйки, сени Ватан кутади!



2028 йил — Халқаро ҳуқуқ йили

БМТ Бош Ассамблеяси 2028 йилни “Халқаро ҳуқуқ йили” деб эълон қилиш тўғрисида резолюцияни қўллаб-қувватлади ва имзолади.

Ташкилот ахборот хизмати хабарига кўра, резолюцияда халқаро ҳуқуқни ҳурмат қилиш ва унга риоя этиш замонавий халқаро тизимнинг самарадорлиги, барқарорлиги ва қонунийлигини таъминлашнинг муҳим шарти экани таъкидланади. Давлатлар, БМТ тизими ташкилотлари ва бошқа манфаатдор томонларга 2028 йил давомида таълим, илмий ва маърифий тадбирлар ўтказиш тақлифи билдирилган.

Ҳужжатда, шунингдек, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, халқаро ҳуқуқий ҳамкорлиқни ривожлантириш ва юридик таълимни тақомиллаштириш қўллаб-қувватланади дейилган. Ёшлар, илмий жамоатчилик, ҳуқуқшунослар ва фуқаролик жамияти институтларини халқаро ҳуқуқни тарғиб қилиш жараёнига жалб этишга алоҳида эътибор қаратилган.

Узоқ яшашни хоҳласангиз, маданий дам олинг

Музей, театр, кино ва концертларга мунтазам бориш 50 ёшдан ошган одамларнинг физиологик қаршиини секинлаштириши мумкин.

“ScienceDaily” журналида эълон қилинган тадқиқот натижаларида қайд этилишича, Токио фан институти олимлари Англияда ўтказилган қараш бўйича тадқиқотнинг 1899 нафар иштирокчиси маълумотларини таҳлил қилган. Уларнинг барчаси Англияда яшаган ва кузатувлар бошланганда ёши 50 дан ошган бўлган. Иштирокчилар кино, музей, санъат галереялари, театр, концерт ва операга қанчалик тез-тез бориши ҳақида сўзлаб берган. Уларнинг маданий фаоллиги 0 дан 15 баллгача бўлган шкала бўйича баҳоланган.

Муаллифларнинг таҳмин қилишича, маданий ҳордиқ ижтимоий алоқаларни мустаҳкамлаш, руҳий соғлиқни қўллаб-қувватлаш ва соғлом турмуш тарзига ёрдам бериши мумкин.

Кунчиқар юрт аҳолиси камаймоқда

Япония аҳолисининг сони 2026 йил бошида 119 736 483 нафарни ташкил этди.

Ҳукумат маълумотиға таяниб “Mainichi” наشري муҳбирининг хабар беришича, 1 январь ҳолатига кўра, аҳоли сони ўтган йилдагига нисбатан 917 минг кишига камайган. Бу 1968 йилдан бери энг кескин пасайишдир. Ҳукумат туғилишнинг пасайиш тенденциясини ўзгартиришга уринаётганига қарамай, мамлакатда 670 мингга яқин туғилишлар қайд этилган. Бу 1,59 миллион ўлим билан солиштирганда рекорд даражадаги паст кўрсаткичдир.

Ишчи кучи етишмовчилигига дуч келган Япония аста-секин чет эллик ишчилар учун ўз эшиklarини очмоқда. Хорижий резидентлар сони кетма-кет тўртинчи йил ўсмоқда. Айни пайтда чет эллик резидентлар сони 354 мингга ошиб, рекорд даражага — 4 031 159 кишига етди.

Ноқонуний миграция

Минглаб муҳожирлар Марокаш томонидан сузиб ўтиб, Испаниянинг Шимолӣ Африкадаги Сеута анклавига бостириб кирди. Испания Фуқаролик гвардияси берган маълумотга кўра, полиция ходимлари вазиятни назорат қила олмаганди.

“TVE” давлат телевидениесида 2000 дан 3000 гача ёшлар чегарадан ўтгани маълум қилинди. “EFE” давлат ахборот агентлиги вакили эса айримлар чегара деворларидан ошиб ўтганини таъкидлагани. Сеута ҳамда Мелилья шаҳарлари Европа Иттифоқининг Африка билан қуруқликдаги ягона чегараси ҳисобланади.

Испания Ички ишлар вазирлиги ноқонуний миграция қўлайишига қарши курашиш учун Марокаш билан яқиндан ҳамкорлик қилаётганини билдирди.

Янги декларация қабул қилинди

БМТ маълумотларига кўра, 2011 — 2025 йиллар оралигида дунёдаги автомобиллар сони бир миллиарддан ортиққа қўпайган бўлсада, йўл-транспорт ҳодисаларида ҳалок бўлганлар 21 фоизга камайган. Ачинарлиси, утган йили ИТХ оқибатида 1,16 млн. киши ҳаётдан кўз юмган.

Йўлларда олинган жароҳатлар эса 5 дан 29 ёшгача бўлганлар ўлимида асосий омил саналмоқда. Йўлларда ҳалок бўлганларнинг яримдан қўпи автомобилда бўлган шахслардир. Улар пиёда юрган, велосипед ёки мотоциклда ҳаракатланган.

БМТга аъзо давлатлар йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича янги сиёсий декларацияни қабул қилди. Ҳужжат 2030 йилгача йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида ҳалок бўлганлар ва оғир жароҳат олганлар сонини 2021 йилги даражага нисбатан 50 фоизга қисқартиришни мақсад қилган.

Интернет хабарлари асосида Шарофиддин ТўлаҒАНОВ («Халқ сўзи») тайёрлади

Шахмат



Шахмат бўйича гроссмейстеримиз Жаҳоҳир Синдоров ва амалдаги чемпион, ҳиндистонлик Гукеш Доммаражу ўртасидаги жаҳон чемпиолиги учун баҳс Швейцариянинг Женева шаҳрида ўтказилди. Халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ) маълумотиға кўра, маъзур учрашув 2026 йил 25 ноябрдан 15 декабргача давом этади.

Мусобақа шахмат тарихидаги энг ёш чемпионлик баҳсига айланади. Уйин бошланадиган пайтда Жаҳоҳир ҳам, Гукеш ҳам 20 ёшда бўлади. ФИДЕ

ТОЖ ЭГАСИ ЖЕНЕВАДА АНИҚЛАНАДИ

меэбонлик учун Ҳиндистон, АҚШ ва Кипр ҳам қизиқиш билдиргани, бироқ яқунда нейтрал ҳудуд сифатида Женева танланганини маълум қилди.

Матч 14 та классик партиядан иборат бўлади. Биринчи бўлиб 7,5 очко тўлаган шахматчи жаҳон чемпиони деб эълон қилинади ва шундан кейин қолган партиялар ўтказилмайди. Агар 14 партия якунида ҳисоб тенг бўлса, чемпион тай-брейк орқали аниқланади.

Г. Доммаражу чемпиолиқ унвонини 2024 йилнинг декабрида Сингапурда қўлга киритган. У

хитойлик Дин Лиженга қарши матчнинг 14-партиясида ғалаба қозониб, 18 ёшда энг ёш жаҳон чемпиониға айланган эди.

Ж. Синдоров жаҳон тоши учун курашиш ҳуқуқини 2026 йилнинг апрель ойида Кипрда ўтказилган “Даёвогарлар турнири”да қўлга киритди. Ўзбекистон вакили мусобақа якунига бир тур қолганида голибликни таъминлаб, энг яқин таъқибчиларидан икки очкога ўзиб кетганди.

Суннатилла ИСЛОМОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

Тошкент шахрининг Яккасарой туманидаги Шароф Рашидов шохқўчасида жойлашган «Мовий гумбазлар» хиббони ҳудудида «Китоб кўчаси» 24 соат мобайнида туну кун фаолият юритиш тартибида ташкил этилади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бююрма Г — 842. 19 427 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғоқ бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; қотиббиз 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Тахририятга келган қўлхатлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг сўзлаб берилиш учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.
Газета тахририят компьютер терминал хамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланади.
Газетанинг полиграфия хизматидан сифатли чоп этилишига “Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

“Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турун кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 02.25 Тошпирилди — 02.45 1 2 3 4 5 6